

ШАХСГА СТРУКТУРАВИЙ ЁНДАШИШДА ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ

Мажидов Жасур Бахтиярович

Ҳамдамов Ҳайдарбек Каримович

Ўзбекистон Миллий университети Жиззах филиали

Аннотация: Ушбу мақолада шахсга структуравий ёндашишда қадрият тушунчаси, унинг ўрни, шунингдек шахс эҳтиёжлари ва йўналганлигида установкакашган тизим сифатида қадриятларнинг мотивацион хусусиятлари ҳақида мулоҳазалар юритилган.

Калит сўзлар: шахс, шахс структураси, қадрият, эҳтиёж, мотивация, қадриятли ориентациялар.

РОЛЬ ЦЕННОСТЕЙ В СТРУКТУРНОМ ПОДХОДЕ К ЛИЧНОСТИ

Мажидов Жасур Бахтиярович

Ҳамдамов Ҳайдарбек Каримович

Джизакский филиал Национального Университета Узбекистана

Аннотация: В данной статье рассматривается проблема понятия ценности в структурном подходе к личности, а также мотивационные особенности ценности как системы установок в потребностях и направленности личности.

Ключевые слова: личность, структура личности, ценность, мотивация, ценностные ориентации.

THE ROLE OF VALUES IN A STRUCTURAL APPROACH TO PERSONALITY

Majidov Jasur Bakhtiyarovich

Khamdamov Khaydarbek Karimovich

Jizzakh branch of the National University of Uzbekistan

Abstract: This article deals with the problem of the concept of value in the structural approach to the personality, as well as the motivational features of values as an installation system in the needs and orientation of the personality.

Keywords: personality, personality structure, value, motivation, value orientations.

Маълумки, психология фанида шахсга системали ёндашувга оид бир қатор тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, ҳар қайси тизимнинг тавсифи сифатида унинг тузилиши қабул қилинади. Одатда, структура – бу объектнинг бир қатор таркиблари ўртасидаги унинг яхлитлиги, ўзига ўзининг айниятлашувини таъминловчи барқарор ички алоқалар мажмуасидир.

Э.Ф.Ғозиев “шахс структураси, яъни тузилиши муаммосини баён, талқин қилишда таянч ва жабҳа, компонент тушунча тариқасида яхлит тузилишнинг нисбий мустақил қисмидан, таҳлилнинг бирлиги сифатида элемент тушунчасидан, ҳар қандай контекстлардан яхлитлик хусусиятини акс эттирмаса ҳам улардан фойдаланамиз”, – деб айтиб ўтади. Унинг фикрича бундай тафовут шахс хусусиятларини яхлит ҳолда мукамал очиш учун таркибий тизимли ва элементли тизимли даражаларини намоён этиш учун мутлақо зарур.¹

Б.Г.Ананьевнинг фикрича, психологик ҳодисаларни ақл (интеллект), ҳиссиёт (эмоция) ва иродага ажратилиши инсон психологиясида структуравий ёндашиш тажрибасининг дастлабки кўриниши бўлиб, унинг ҳақчиллиги кўпгина психологлар томонидан тан олинган. У структуравий ёндашишнинг бошқа вариантлари тариқасида турлича психик ҳодисалар билан қарама-қарши алоқаларнинг эътироф этилиши – психик актларнинг психик функциялар, онгнинг онгсизлик, тенденцияларнинг потенциялар билан уйғунлигини таъкидлайди.

Шахс тузилишининг моделини ишлаб чиқишдаги муҳим қийинчиликларнинг энг асосий сабаби ҳар хил нуқтаи назарлар мавжудлигида ёрқин намоён бўлади, улар “шахснинг тузилишига кўра, субстанционал ва идеал, ирсий ва эгаллаганлик, ижтимоий ва психологик, соматик ва психологик томонларига эга” (В.М.Баншиков).

Психология фанида қўлланилиб келинаётган ва нисбатан барқарорлашган шахсни йўналганликка, темпераментга, характер ва қобилиятларга бўлиш етарли даражада кескин эътирозларга сабаб бўлаётгани йўқ. Шунинг учун кўпгина психологлар умумий тизимнинг мажмуасини ташкил қилувчи мураккаб хусусиятларнинг тузилиши сифатида қарайдилар ва

¹ Ғозиев Э.Ф. Умумий психология.Т.: “Университет”–2005., 124-бет.

шахснинг яхлит тавсифини ифодалайди, деб тушунадилар. А.Г.Ковалевнинг фикрича, темперамент табиий хусусиятларнинг тизимини билдириб келади, йўналганлик – эҳтиёж, қизиқиш, идеаллар тизими, қобилиятлар – интеллектуал, иродавий ва эмоционал хислатлар мажмуаси, характер – хулқ-атвор усулларининг ва муносабатларининг синтезидир.

Айнан шахс тузилмасида қадриятларни эҳтиёжлар билан боғлаб тушунтирадиган қарашлар ҳам мавжуд бўлиб, бу борада Америкалик олим А.Ааслоу қадриятларни эҳтиёжларга тенглаштиради. Унинг айтишича, инсоннинг конституцияси хусусиятлари унинг қадриятларини белгилаб беради. Қобилиятлар ўзларини ишлатилишларини талаб этишади, яъни қобилиятлар бу эҳтиёжлар, ва улар бошланғич қадриятлар ҳисобланишади. Эҳтиёжлар иерархиясидаги айна пайтнинг ўзида қондирилиш истаги устунлик қилаётган эҳтиёжни инсоннинг абсолют даражада энг муҳим қадрияти деб ҳисоблаш мумкин.

Биз инсон танлаётган қадриятларни яратиш ёки кашф қилиш эмас, балки очишимиз мумкин. Улар аввалдан инсон табиатининг ўзига ҳос бўлади, уларда биологик ва генетик асос бор, аммо уларни маданият ва цивилизация ҳам ривожлантиради.

Асосий мотивация инсонга тайёр бўлиб улгурган қадриятлар иерархиясини беради ва бу ерда эҳтиёжлар бир-бирига боғлиқ бўлади. Инсоннинг олий табиати, унинг идеаллари, интилиш ва қобилиятлари инстинктив ҳамма нарсадан воз кечишга эмас, балки инстинктив роҳатланишга таянади. А.Маслоу қадриятларга нисбатан муносабатда тавсифий ёндашувни таклиф этади. Бунда мажбурийлик терминларида эътирозсиз ҳақиқатлар ҳақидаги саволлардан бирмунча эмпирик бўлган “қачон, қаерда, ким учун, қанча?” каби саволларга ўтиш назарда тутилади.

Қадрият инсон эҳтиёжларининг предметиدير. Ҳар қандай эҳтиёж икки хусусият – функционал аҳамият ва шахслилик маъно-мазмуни билан, яъни инсон эҳтиёжларига бўлган муносабати билан характерланади. Ҳаётнинг маъно-мазмуни – бу биринчи навбатда ҳаётнинг стратегик мақсадидир, яъни у ёки бу даражада анланган, узоқ муддатга мўлжалланган вазифасидир деб таъкидлаб ўтади.

Шахс тузилиши борасидаги қарашларда Б.Д.Паригиннинг ёндашувига кўра, шахснинг статик тузилишга қуйидагилар киради:

- 1) умуминсоний психологик хусусиятлар;
- 2) миллий, касбий, иқтисодий, сиёсий, синфий бирликка алоқадор ижтимоий ўзига

хос хусусиятлар;

3) шахнинг индивидуал бетакроп хусусиятлари. Бизнингча, олим томонидан таъкидлаб ўтилган хусусиятларнинг ҳар қайсиси шахс психикасида мавжуд бўлиб, улар алоҳида хислатлар гуруҳи кўринишига эга эмасдирлар.

Б.Д.Паригиннинг катъий асосланиб айтишига кўра, шахнинг динамик структурасининг етакчи аломати яққол вақт оралиғига боғлиқлиги, шахс фаолияти ёки психиканинг муайян ҳолатига алоқадорлигидир. Шахнинг динамик структурасининг икки асосий жабҳага тааллуқлигига, яъни психик ҳолатларга ва хулққа ишора қилган Б.Д.Паригиннинг мулоҳазасича, шахнинг кайфияти ёки психологик жиҳатдан ўзининг тайёргарлик хислати юксак аҳамиятли янгиланишдир.

К.К.Платонов томонидан илгари сурилган шахнинг динамик функционал тузилишида шахс тузилишининг элементлари бўлиб, унинг хоссалари, хусусиятлари, қиёфаси ҳисобланади. К.К.Платонов шахс тузилишининг турли томонлари билан ўзаро алоқадор тўрт тузилишга ажратади:

1) шахнинг ахлоқий қиёфаси муносабати ва йўналганлик бирлаштирувчи ижтимоий шартланган осттузилиш.

Бу осттузилишга алоқадор шахнинг хислатлари табиий майлларга бевосита боғлиқлиги йўқ ва тарбиявий йўл билан шакллантирилади.

2) тажрибанинг осттузилиши; унга таълимий йўл билан эгалланган билимлар, малакалар, кўникмалар, одатлар киради, аммо бу нарса шахсни қиёфасининг биологик шартланган таъсири остида кечади (К.К.Платонов). Ушбу осттузилиш орқали шахс инсониятнинг тарихий тажрибаси,

3) шахнинг индивидуал хусусиятлари билан шартланган баъзи психик жараёнлар (хотира типи, эмоционал ҳаракат барқарорлиги кўрсаткичи, машқланиш йўли) билан шакллантирилади. Биологик шартланган хусусиятларнинг таъсири янада аниқроқ кўзга ташланади.

4) биологик шартланган осттузилиш биопсихик хусусиятларни, фазилатлар, темперамент(шахнинг типологик хусусиятларини), жинсий ва ёш хусусиятлар, шунингдек, инсоннинг патологик ўзгаришини бирлаштиради. Бу осттузилиш машқлантириш орқали шакллантирилади, миянинг морфологик ва физиологик хусусиятларига боғлиқ. К.К.Платоновнинг фикрича, бу осттузилишга шахс қиёфасининг

асосий жабҳаларини киритиш мумкин.

В.С.Мерлин ҳам шахснинг тузилиши масаласида фикр билдириб, шахснинг қисмларига ажратиб талқин қилинмайдиган жабҳа (компонент) – бу унинг хислатлари эканлигини келтиради. Уларнинг ҳар бири муайян йўналганлик моҳиятини ўзида мужассамлаштирган бўлиб, шахс муносабатини акс эттиради. Шунга биноан шахснинг тузилиши деганда В.С.Мерлин инсоннинг ўз-ўзига, ўзгаларга, меҳнатга у ёки бу муносабатини ўзида бирлаштирувчи шахс хусусиятларининг ташкилий ва ўзаро алоқадорлигини аниқлашчи ўзига хос мажмуани тушунади.

Шахс тузилишида Д.А.Леонтьев² кадриятларга қуйидаги ўринни ажратиб берган. У шахс тузилишининг учта иерархик даражасини ажратади.

Юқори даража – бу шахснинг энг ички тузилиши босқичи, қолган барча нарсалар келиб қўшиладиган психологик қобикдир. Бунга, Д.А.Леонтьев бўйича, озодлик, масъулиятлилиқ ва маънавийлиқ киради.

Иккинчи даража – бу шахснинг олам билан муносабати. Бу босқични яна “инсоннинг ички дунёси” тушунчаси билан ҳам таърифлашимиз мумкин. Бу босқичга у эҳтиёжларни, кадриятларни, муносабат ва конструктларни киритади.

Учинчи, қуйи даража – бу шахс учун одатий бўлган ўзини ташқи намоён этиш шакллари ва усуллари, шахснинг “ташқи қобиғи”. Бу босқичга у характер, қобилиятлар ва ролларни киритган.

Шахслилик кадриятлари алоҳида бир шахснинг ички дунёсини жамият ва алоҳида бир ижтимоий гуруҳларнинг ҳаёт фаолияти билан боғлайди. Инсон атрофдагиларининг нимагадир нисбатан қарашларини эҳтиёж сифатида ўзлаштириб олган ҳолда ўзи учун янги, эҳтиёжлардан мустақил бўлган хулқ-атвор регуляторларини яратиш боради.

Б.В.Зейгарник ва Б.С.Братусь кадриятлар шахс шаклланишида етакчи роль ўйнайди, деб ҳисоблашади. Кадриятларга эга бўлиш – шахснинг ўз-ўзига эришиши деганидир. Кадрият шахснинг бирлиги ва ўз-ўзига ўхшаш бўлишлигини мустаҳкамлайди, шахснинг асосий характеристикаларини, унинг ўзагини, одоби, ахлоқлилигини аниқлайди.³

Шахс шаклланиши жараёнида ўзлаштириладиган кадриятли тасаввурлар инсон учун ўзига хос эталон бўлиб хизмат қилади. У ушбу тасаввурларни доимий равишда ўзининг

² Леонтьев Д.А. Очерк психологии личности. – М.: Смысл, 1993. – С. 43

³ Братусь Б.С. Психологические аспекты нравственного развития личности. – М., 1977.

хусусий қизиқишлари ва шахсий мойилликлари, ҳис қилаётган эҳтиёжлари ва актуал хулқ-атвори билан таққослаб боради.

Инсонлар ҳаёт кечирадиган ижтимоий институтлар ҳаракат қилишнинг мақсад ва усулларига нисбатан муносабатда маълум бир қадриятли устунликларни акс эттиришади. Масалан, индивидуал иззат-нафс ва муваффақият юқори баҳоланадиган жамиятларда иқтисодий ва ҳуқуқий тизим, эҳтимол, мусобақага киришувчан бўлишади (мисол учун, капиталистик бозор ва суд процесси тортишувли жараёни шаклланади). Ранг-баранглиги бўйича гуруҳий муваффақиятга қаратилган маданий урғу, энг аввало кооператив тизимларда акс этиши мумкин (масалан, социализм ва воситачилик). Ижтимоий институтларда ўз ролларини бажариб туриб, инсонлар қайси хулқ-атвор қабул қилса бўладиган даражада эканлигини ҳал қилиш ва кейин ўз танловини бошқаси билан тушунтириш учун маданиятда қабул қилинган қадриятлардан фойдаланишади.

Е.И.Головаха фикрича, инсон режа ва мақсадларни белгилаган ҳолда ўз келажагини режалаштираётганда, энг аввало, ўзининг онгида намоён бўлган қадриятларнинг маълум бир иерархиясидан келиб чиққан ҳолда иш тутади. Ижтимоий қадриятларнинг кенг доирасида ўз йўналишини аниқлаётганда, индивид ўзида устунлик қилаётган эҳтиёжлар билан чамбарчас боғлиқ бўлганларини танлайди. Агар белгиланган мақсадларга эришилса, қадриятли ориентациялар янги мақсадларни қўйилишига ҳисса қўшади. Қадриятли ориентацияларнинг етарлича ривожланмаган иерархиясида аҳамияти бўйича тенг бўлган қадриятлар инсон онгида бир-бири билан рақобатга киришади. Қадриятли ориентацияларнинг рақобати, биринчи навбатда, ҳаётий танлов ноаниқлиги вазиятини юзага келтиради. Шунини қўшиб ўтиш лозимки, турли аҳамиятга эга бўлган қадриятлар ҳар доим ҳам ҳаётий танлов ноаниқлигини келтириб чиқармайди. Бу ҳолат фақат қачонки улар қарама-қарши бўлганда юз бериши мумкин.⁴

Шахс ўзлаштириб олинган қадриятли ориентацияларга мос ҳолда маълум бир ижтимоий установакалар танловини амалга оширади: аниқ бир вазиятнинг хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда маълум бир фаолиятнинг мақсад ва мотивлари сифатида. Шу тариқа, қадриятли ориентацияларнинг психологик таркиби шахснинг мотивацион-эҳтиёжий соҳаси

⁴ Головаха Е.И. Жизненная перспектива и ценностные ориентации личности // Психология личности в трудах отечественных психологов / Сост. и общая редакция Л.В. Куликова. – СПб.: Питер, 2001. – С. 256-269.

билан чамбарчас боғлиқдир. Шунга таянган ҳолда айтиш мумкинки, кадриятли ориентациялар хулқ-атворнинг энг муҳим регулятори ҳисобланади, хавфли, синовли ёки қарор қабул қилиш вазиятларида шахснинг хулқ-атворини белгиловчи омиллардан бири сифатида ўрганилади. Инсон турли ҳаётий вазиятларда маълум бир тарзда кадриятли ориентациялар тизимига таянади. Шу тизим ёрдамида у вазиятни ҳар томонлама ўрганишга қодир бўлади, бу эса унга охир-оқибатда қарор қабул қилишга (яъни ҳаракат қилиш керакми ёки йўқ) ҳисса қўшади. Шу боисдан ҳам кадриятларнинг шаклланиши шахснинг муваффақиятли ҳаёт фаолияти учун жуда муҳим ҳисобланади. қолаверса, кадрли нарсалар фақатгина “ҳамма нарса сотиладиган ва сотиб олинадиган дунёда” яратилади, деб таъкидлайди Вен. Ерофеев.

Собиқ совет психологиясида кадриятли ориентациялар тизимини шахснинг йўналганлиги тушунчаси орқали таърифлашади ва бу изоҳ остида шахснинг етакчи структура ости сифатида эҳтиёжлардан тортиб идеалларгача инсон психикасининг барча соҳаларини қамраб олувчи қандайдир бир генерализациялаштирувчи ибтидо тушунилади. Кадриятлар ходисаларнинг инсон фаолиятининг ориентирлари сифатидаги объектив аҳамиятини ўзида мужассамлаштиради. Шахснинг йўналганлиги шахс фаолиятини йўналтирувчи ва мавжуд вазиятлардан қиёсий олганда мустақил бўлган барқарор мотивларнинг йиғиндисидир.

Л.М.Смирнов кадриятли терминологиянинг икки асосий парадигмаларини келтириб ўтади:

- Энг кўп хоҳиш билдирилган, эмоционал жиҳатдан ўзига жалб этган, инсонлар турмушининг идеал ҳолатини таърифлаб беришга қодир бўлган етарлича абстракт тарзда ифодаланган концепциялар – бу терминал кадриятлар.

- Хулқ-атвор ёки хатти-ҳаракатларнинг чуқур эмоционал маъқул деб топилган модуси (кўриниши) – бу инструментал кадриятлар.

У яна шуни таъкидлаб ўтадики, индивидуал кадриятларнинг мавжуд бўлиши ҳар бир шахсга тараққиёт жараёни давомида олдиндан тайёр, ушбу маданиятда маъқулланадиган асосий кадриятларни ўзига ўзлаштириб олишга имкон беради. Ўзлаштириб олингандан сўнг хулқ-атворнинг, қарорлар, танловларнинг муҳим детерминантлари бўлиб қолишади.

Биз кадриятларни В.Н.Мясишевнинг муносабатлар психологияси нуқтаи назаридан ҳам кўриб чиққанимизда унинг назариясидаги шахснинг бир неча муносабат типлари билан

характерланадиган ёки бошқачасига айтадиган бўлсак, шахнинг интраиндивидли, интериндивидли ва метаиндивидли каби ост тизимлари ажратилганлигининг гувоҳи бўламиз;⁵

1. Барча қадриятлар ёки инсоннинг аксиологик “Мен”и ушбу ост тизимларга бевосита алоқага эга бўлади. Интрапсихик муносабат – “Инсон-Мен ўзим”. Бунда муносабатларнинг уч типи ажратилади:

- танага муносабат (саломатлик қадриятларига мос келади);
- психик хусусиятларга (билиш жараёнлари, интеллектуал қобилиятлар, билимлар, малакалар, кўникмалар);
- ўзига нисбатан маънавий ёндашув.

Иккинчи пунктни инструментал қадриятларга киритиш мумкин, чунки уларнинг мукамаллашуви ёрдамида инсон ўз мақсадларига эришиши мумкин. Сўнггиси эса ўз-ўзини ривожлантириш, маънавий ўсиш қадриятларини, индивиднинг ўз ҳаёти мазмунини аниқлаш ва амалга оширишга интилишларини характерлайди.

2. Интерпсихик муносабат – “Инсон-бошқалар”:

- микросоциал муносабатларга севги, оила, дўстлик каби қадриятлар мос келади;
- мезасоциалга – иш, эришилган мавқе, бошқалар томонидан тан олинмиш ва шу кабилар;
- макросоциал муносабатларга эса сиёсий ва ҳуқуқий идеалларга, этика ҳлоқий ва эстетик нормаларга тегишли бўлган қадриятлар тўғри келади.

3. Транспсихик муносабатлар – “Инсон-объектлар дунёси”:

- нарсалар билан муносабат (моддий фаровонлик ва иқтисодий муваффақият)
- ғояларга нисбатан муносабат (ахлоқий, эстетик, диний, фалсафий қадриятлар).

Қадриятлар шахнинг ўзаро алоқалари соҳаларидан ташқарида бўлмас экан, уларни инсон муносабатларининг у ёки бу типига қаратилган нуқтаи назар асосида кўриб чиқиш ҳақиқатга яқин бўлиб кўринмоқда. Қадриятли ориентациялар тизими у ёки бу даражада шу уч муносабат типига “боғланиб қолган”. Баъзи бир типларнинг қадриятлари бир инсонда кўпроқ бўлиб, бошқа бирида ривожланмай қолган бўлиши мумкин. Шахнинг қадриятли

⁵ Мясичев В.Н. Сознание как единство отражения действительности и отношения к ней человека.// Проблема сознания. М.: 1966г. Ст.– 92-97.

ориентациялари турли кадриятлар ўзаро алоқасининг мураккаб тармоғидан ташкил топган бўлиб, бу ерда баъзи кадриятлар бир инсон учун устунлик қилиши, етакчи бўлиши мумкин, бошқалари уларга эришиш учун хизмат қилади, учинчилари эса умуман фаоллаштирилмаган бўлиши, аммо потенциал жиҳатдан индивиднинг аксиологик “Мен”ида иштирок этиши мумкин.

Шундай қилиб кадриятлар шахс тузилмасида муҳим ўрин тутиб, шахснинг ҳаётини эҳтиёжлари, майллари ҳамда шахслараро муносабатларда установкалашган тизим сифатида намоён бўлиб муҳим ўрин тутди.

Фойдаланилган адабиётлар /Сноски/ References

1. Ғозиев Э.Ғ. Умумий психология.Т.: “Университет”–2005., 124-бет.
2. Леонтьев Д.А. Очерк психологии личности. – М.: Смысл, 1993. – С. 43
3. Братусь Б.С. Психологические аспекты нравственного развития личности. – М., 1977.
4. Головоха Е.И. Жизненная перспектива и ценностные ориентации личности // Психология личности в трудах отечественных психологов / Сост. и общая редакция Л.В. Куликова. – СПб.: Питер, 2001. – С. 256-269.
5. Мясищев В.Н. Сознание как единство отражения действительности и отношения к ней человека.// Проблема сознания. М.: 1966г. Ст.– 92-97.
6. Маджидов, Д. Б., & Шарофиддинов, А. (2017). Социальный интеллект как совокупность способностей, обеспечивающих адаптацию личности в обществе. In *Актуальные вопросы современной психологии* (pp. 22-24).
7. Majidov, J. (2021). СПОРТДАГИ МУЛОҚОТ ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИК ҲОДИСА СИФАТИДА. *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании*, 1(1). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/723>
8. Majidov, J. (2021). ФУТБОЛ ЖАМОАЛАРИДА ЎЗARO МУНОСАБАТЛАР КЕЧИШИНING АЙРИМ ҲУСУСИЯТЛАРИ. *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании*, 1(1). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/724>
9. Majidov, J. (2021). ВОПРОСЫ ГАРМОНИИ ПРЕДСТАВЛЕНИЯ МОЛОДЕЖИ О СЕМЕЙНОЙ ЖИЗНИ И УДОВЛЕТВОРЕННОСТИ СЕМЕЙНОЙ ЖИЗНЬЮ. *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании*, 1(1). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/1369>

10. Majidov, J. (2021). НЕКОТОРЫЕ ОСОБЕННОСТИ ПРОЯВЛЕНИЯ ЧУВСТВА ОДИНОЧЕСТВА В ПОДРОСТКОВОМ ПЕРИОДЕ. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 1(1)*. извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/1375>
11. Majidov, J. B. (2020). Some characteristics of relationships in football teams. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 10(11)*, 1981-1988.
12. Majidov, J. (2021). KEKSALIK DAVRINING BIOLOGIK VA PSIXOLOGIK HUSUSIYATLARI. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, (2)*. извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/3074>
13. Jasur Majidov, [СВОЕОБРАЗНОСТИ ВЗАИМООТНОШЕНИЙ В СИСТЕМЕ “ТРЕНЕР-СПОРТСМЕН” В ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ ФУТБОЛЬНЫХ КЛУБАХ](#), *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 1 (2020): Journal of Pedagogy and psychology in modern education*
14. Majidov, J. (2021). ШАХСГА ТИЗИМЛИ ЁНДАШИШДА ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, (3)*. извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/4325>
15. Ж.Мажидов.ПРОФЕССИОНАЛ ФУТБОЛ ЖАМОАЛАРИДА “ТРЕНЕР – СПОРТЧИ” ТИЗИМИДАГИ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ <https://scienceweb.uz/publication/865>
16. Majidov, Jasur Baxtiyarovich (2022). SOTSIAL INTELLEKT VA UNING INSON НАҲОТИДАГИ О‘РНИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2 (2)*, 608-613.
17. Majidov, J. (2022). ИҚТИДОРЛИЛИК МУАММОСИНИНГ ПСИХОЛОГИК ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 2(7)*. извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5762>
18. Majidov, J. (2022). ЎСМИРЛИК ДАВРИГА ХОС СУИЦИДАЛ ХУЛҚНИНГ АЙРИМ САБАБЛАРИ. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 2(7)*. извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5766>
19. Majidov, J. (2021). ЁШЛАРНИНГ ОИЛАВИЙ ҲАЁТ ҲАҚИДАГИ ТАСАВВУРЛАРИ ВА ОИЛАВИЙ ҲАЁТДАН ҚОНИҚИШ УЙЎНЛИГИ МАСАЛАЛАРИ. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 1(1)*.

20.Жасур, М. (2022). ГЕНДЕР УСТАНОВКАЛАРИ ВА ИЖТИМОЙЛАШУВ ЖАРАЁНИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ. *Involta Scientific Journal*, 1(6), 69-77.

21.Хамдамов, Х. (2022). МНОГОЗНАЧИТЕЛЬНОСТЬ ОБУЧЕНИЯ ВОЕННОЙ ПСИХОЛОГИИ В СИСТЕМЕ ВЫСШЕГО ВОЕННОГО ОБРАЗОВАНИЯ. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 2(5). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5106>

22.Хамдамов, Х. (2021). ЗНАЧЕНИЕ ПСИХОЛОГИЧЕСКОГО ЗДОРОВЬЯ В ПСИХОЛОГИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ ЛИЧНОСТИ. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, (2). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/3345>